

**ҚАҲРАМОНЛИКНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА  
ЖАМИЯТДАГИ АҲАМИЯТИ**

**Джумабоев Жалолиддин Зайниддинович**

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириши институти*

*Жанговар тайёргарлик цикли катта ўқитувчиси*

**Аннотация:** Мақолада қаҳрамонлик тушунчаси, унинг моҳияти, шаклланиш омиллари ва ижтимоий аҳамияти таҳлил қилинган. Қаҳрамонлик шахсий фазилатлар, тарбия, жамият ва ташқи муҳит таъсирида намоён бўлиши ҳамда унинг замонавий кўринишлари ёритилган. Шунингдек, қаҳрамонликнинг жамият ривожланишидаги илҳомлантирувчи, бирлаштирувчи ва ахлоқий ўрнак бўлувчи аҳамияти таъкидланган. Мақолада замонавий технологиялар ва ижтимоий ўзгаришлар қаҳрамонликка қандай таъсир кўрсатишига ҳам ургу берилган.

**Калим сўзлар:** қаҳрамонлик, жасорат, шахсий фазилатлар, тарбия, жамият, ташқи муҳит, замонавий қаҳрамонлик, технология, ижтимоий аҳамият.

**Аннотация:** В статье анализируется понятие героизма, его сущность, факторы формирования и социальное значение. Освещены проявления героизма под влиянием личных качеств, воспитания, общества и внешней среды, а также его современные проявления. Также подчеркивается значение геройства как вдохновителя, объединителя и нравственного примера в развитии общества. В статье также подчеркивается, как современные технологии и социальные изменения влияют на геройство.

**Ключевые слова:** геройство, мужество, личностные качества, образование, общество, внешняя среда, современный геройство, технологии, социальная значимость.

**Abstract:** The article analyzes the concept of heroism, its essence, formation factors and social importance. The manifestation of heroism under the influence of personal qualities, upbringing, society and external environment, as well as its modern manifestations are highlighted. Also, the importance of heroism as an inspiration, unifier and moral example in the development of society is emphasized. The article also emphasizes how modern technology and social changes affect heroism.

**Key words:** heroism, courage, personal qualities, education, society, external environment, modern heroism, technology, social importance.

Қаҳрамонлик - инсоннинг жамият олдидағи бурчини англаб, ўз ҳаёти ёки манфаатларини хавф остига қўйиб бўлса ҳам бошқаларга ёрдам беришга қаратилган юксак феъл-авори. Бу тушунча қадим замонлардан бери фалсафа, адабиёт ва психология соҳаларида тадқиқ қилинган. Қаҳрамонлик фақат тарихий шахсларга хос бўлмай, кундалик ҳаётда ҳам намоён бўлади. Унинг моҳияти, шаклланиши ва аҳамияти инсон табиати ҳамда жамият ривожланишининг турли жиҳатлари билан

## TA'LIM, TARBIYA VA INNOVATSIYALAR

*III son, Fevral*

боғлиқ. Ёзувчи, драматург ва олим Мухтор Ауэзов ўзининг қўлёзмаларида қаҳрамонлик ҳақида шундай ёзган “Қаҳрамонлик қилишдан қўрқсангиз, ҳеч қачон улкан натижаларга эриша олмайсиз.”

Қаҳрамонлик кўп қиррали тушунча бўлиб, унинг шаклланиши кўплаб омилларга боғлиқ. Шахсий фазилатлар, тарбия ва таълим, ташқи муҳит, маънавий қадриятлар ва замонавий технологиялар қаҳрамонликни шакллантирувчи асосий омиллардир. Қаҳрамонлар нафақат жамиятнинг ривожланиши, балки инсонларнинг бир-бирига бўлган ишончини мустаҳкамлашда ҳам муҳим роль ўйнайди.

Қаҳрамонлик - инсоннинг руҳий ва жисмоний қобилиятларини намоён қиласиган юксак феъл-атворлардан бири бўлиб, у фақат алоҳида шахсларнинг эмас, балки бутун жамиятнинг ривожланиши учун муҳим аҳамиятга эга. Америкалик машҳур ёзувчи, қизиқчи, журналист ва жамоат арбоби Марк Твеннинг таъбири билан айтганда “Қаҳрамонлик – бу ҳеч нарсадан қўрқмаслик эмас, балки қўрқув билан юзма-юз келиб, унга қарши туришдир.” Қаҳрамонлик қандай қилиб шаклланади? Унинг пайдо бўлишига қандай омиллар таъсири қиласиди? Қаҳрамонлик инсоннинг ички фазилатлари ва ташқи шароитлар таъсирида шаклланадиган ижтимоий феъл-атвордир. Унинг асосида қўйидаги жиҳатлар ётади:

- курқувни енгиш ва катта хавф-хатарларга қарши туриш қобилияти;
- ўз манфаатларидан бошқалар фойдаси учун воз кечиш;
- ҳақиқий қаҳрамон адолатни ҳимоя қилишга интилади, бу унинг ҳаракатларида намоён бўлади;
- қаҳрамонлар, одатда, юқори ахлоқий қадриятлар асосида ҳаракат қиласиди.

Қаҳрамонлик шахсий фазилатлар билан чегараланиб қолмасдан, жамият томонидан ҳам белгиланади. Жамиятда қабул қилинган маданий ва маънавий қадриятлар қаҳрамонликнинг қандай намоён бўлишини шакллантиради.

Қаҳрамонликни шакллантирувчи омиллар. Қаҳрамонликнинг пайдо бўлишига турли омиллар таъсири қиласиди:

### 1. Шахсий фазилатлар.

Қаҳрамонлик кўпинча инсоннинг ички руҳий кучига боғлиқ. Жасорат, масъулият ҳисси ва бошқаларга ёрдам бериш истаги каби фазилатлар қаҳрамонликнинг асосий омилларидир.

### 2. Тарбия ва таълим.

Болаликдан оиладаги тарбия, мактабда ўргатиладиган қадриятлар инсонда қаҳрамонлик фазилатларини шакллантиришда муҳим ўрин тутади. Турли халқлар афсоналари ва тарихий қаҳрамонлар ҳақидаги ҳикоялар ёш авлодни қаҳрамонликка илҳомлантиради.

### 3. Жамият ва маданият.

Қаҳрамонлик жамиятнинг маданий ва ижтимоий талабларига мувофиқ шаклланади. Масалан, уруш ёки инқироз пайтларида қаҳрамонлик кўрсатиш эҳтимоли ошади.

## TA'LIM, TARBIYA VA INNOVATSIYALAR

*III son, Fevral*

### 4. Ташқи мұхит ва ҳолатлар.

Табиий оғатлар, уруш ва бошқа қийин вазиятлар қаҳрамонлик намоён бўлиши учун имконият яратади. Бундай ҳолларда шахслар ўз имкониятларини намоён қилишга интилади.

Қаҳрамонликнинг ижтимоий аҳамияти.

Қаҳрамонлик жамият ривожланиши ва барқарорлигига мұхим роль ўйнайди, жумладан:

- Қаҳрамонлик ҳикоялари инсонларни янги марраларни зabit этишга ундейди;
- Жамоатчиликни бирлаштириш: Қаҳрамонлик ҳаракатлари жамиятни бирлаштириб, ўзаро ишонч ва ҳамкорлик мұхитини яратади;
- Қаҳрамонлар инсонларни юксак ахлоқий қадриятларга ундейди.
- Қаҳрамонликнинг кўрсатилиши жамиятнинг ривожланишини рағбатлантиради. Масалан, илмий қашфиётлар ёки янги ижтимоий ислоҳотлар қаҳрамонлик ҳаракатларининг натижаси бўлиши мумкин.

Қаҳрамонликнинг замонавий кўринишлари.

Бугунги кунда қаҳрамонлик анъанавий тушунчалардан ташқарига чиқиб, замонавий кўринишларга эга бўлмоқда:

Технологиялар соҳасидаги қаҳрамонлик: Илм-фан ва технологиялардаги қашфиётлар, масалан, тиббиёт соҳасида пандемияларга қарши курашган олимлар.

Ижтимоий тармоқларда қаҳрамонлик: Ижтимоий тармоқлар орқали инсонларнинг қаҳрамонлик ҳаракатлари кенг жамоатчиликка етказилади, бу эса бошқаларни илҳомлантиради.

Экологик қаҳрамонлик: Атроф-мұхитни асрараш учун қилинаётган ҳаракатлар ҳам замонавий қаҳрамонликнинг янги йўналиши ҳисобланади.

Қаҳрамонлик - инсоннинг энг юксак фазилатларидан бири бўлиб, унинг моҳияти шахсий ва жамият эҳтиёжлари билан боғлиқ. Қаҳрамонлик инсоннинг ички куч-қудрати, жамиятнинг талаблари ва ташқи шароитлар таъсирида намоён бўлади. Бугунги кунда қаҳрамонликнинг замонавий кўринишлари жамият тараққиётида мұхим ўрин тутади. Шу боис қаҳрамонлик феъл-авторини шакллантириш ва ривожлантириш учун тарбия, таълим ва маънавий қадриятларга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

## **TA'LIM, TARBIYA VA INNOVATSIYALAR**

*III son, Fevral*

### **АДАБИЁТЛАР:**

1. Мадаминов Б. Ўқувчи ёшларда қаҳрамонлик руҳини шакллантиришда, ташвиқот ишларининг аҳамияти. // Journal of innovations in social sciences, 2023. Б. 25-26.
2. Содиқов И. Саҳнада миллий қаҳрамонлик акс этган асарларда замондошлар образларининг талқини // Oriental Art and Culture: Scientific Methodical Journal, 2024. Б. 575-579.
3. Джумабоев Ж.З. Ички ишлар органлари ходимларининг қаҳрамонлиги ва унинг ёшлар тарбиясига таъсири // Лучшие интеллектуальные исследования, 2024. Б. 3-8.
4. Madaliyev A.Y. Халқ оғзаки ижоди - ёшларга маънавий-ахлоқий тарбия воситаси // PEDAGOGS international research journal, 2024. Б. 50-56.